**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**
**ФАРМАЦЕВТИКА ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ КАФЕДРАСИ**

# МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

**Мавзу: «Тошкент вилояти Дори-Дармон» очиқ акционерлик жамиятига қарашли Паркент шахар 9-сонли дорихона молия- хўжалик фаолиятининг иктисодий кўрсаткичларитахлили**

Бажарди: Ёқубхўжаев С.

Илмий рахбар: кат. ўқит. Саидова М.Я.

Тақризчи: доц.ф.ф.д. Кариева Ё.С.

Тошкен 2014 йил

## ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

Фармация факультети ФИТК

кафедраси Қайта тайёрлаш йуналиши 1/2 гурухи

Тасдиклайман
Кафедра мудири Умарова Ш.З.
2014 йил «29» 10 й

## БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БУЙИЧА ТОПШИРИК

Талаба Ёқубхўжаев Саидмурод
(фамилияси, исми, шарифи)

1. Битирув ишининг мавзуси Тошкент вилояти "Дори-Дармон" ОАЖга қарашли Паркент ш. 9-сонли дорихона молия-хўжалик фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили

2014 й. «29» 10 №5 кафедра мажлисида маъкулланган.

2. Битирув ишини топшириш муддати 20.06.2014

3. Битирув ишини бажаришга доир бошлангич маълумотлар Паркент шаҳар 9-сонли дорихонанинг молия-хўжалик фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили бирламчи хисобот хужжатларига асосланган.

4. Хисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чикиладиган масалалар руйхати) Дорихонанинг иш унумдорлиги таҳлили. Маош таҳлили. Товар айланмаси таҳлили, Савдо устамасининг таҳлили, Даромад таҳлили, Ишлаб чиқариш ва савдо харажатларининг таҳлили, соф фойдани таҳлили

5. Чизма ишлар руйхати (чизмалар номи аник курсатилади) 1 ш. Паркент ш. 9-сонли дорихонанинг ўртача ойлик маош таҳлили 2. Молия-хўжалик фаолияти таҳлили. 3. Т/айланмаси. 4. Савдо устамаси таҳлили. 5. Ялпи даромад. 6. И/ч ва савдо харажатлари таҳлили. 7. Соф фойда ва рентабеллик таҳлили.

6. Битирув иши буйича маслахатчи (лар):

| № | Булим мавзуси | Маслахатчи укитувчи Ф.и.ш. | Имзо, сана | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Топширик берилди | Топширик бажарилди |
| | Алоиш қисм | Саидова М.Я. катта ўқитувчиси. | ноябрь 2013 декабрь 2013 | январь 2014 февраль 2014 |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

7. Битирув ишини бажариш режаси

| № | Битирув иш боскичларининг номи | Бажариш муддати (сана) | Текширувдан утганлик белгиси |
|---|---|---|---|
| 1. | Кириш | | |
| 2. | Адабиётлар шарҳи | октябр-декабр | бажарди |
| 3. | Асосий қисм | январ - май | бажарди |
| 4. | Хулоса ва таклифлар | июнь | бажарди |
| 5 | Адабиётлар рўйхати | июнь | бажарди |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |

Битирув иши рахбари Катта ўқитувчи М.Я. Саидова
(фамилияси, исми, шарифи) (имзо)

Топширикни бажаришга олдим Ёқубхўжаев С.
(фамилияси, исми, шарифи) (имзо)

Топширик берилган сана 2013 йил «____» __________

## МУНДАРИЖА


I Кириш........................................................2-4

II Адабиётлар шархи..........................................

2.1. Бозор иктисодиётининг асоси ишончли тахлил..................5-7

2.2. Молиявий натижа тахлилнинг максади ва вазифалари............ 8-10.

2.3. Корхонанинг мехнат салохияти мақсади ва вазифалари........... 1-15

2.4. Тахлил турлари........................................... 15-20

2.5. Фойда ишлаб чиқаришнинг энг мухим кўрсаткичи.................. 21-25

2.6. Рентабеллик даражасининг тахлили........................... 26-32

**III. АМАЛИЙ ҚИСМ**

Тошкент вилояти "Дори-Дармон" оциқ акциядорлик жамиятининг Паркент шахар 9- сонли дорихонасининг иш унумдорлиги тахлили…………………………………………. 33-36

Маош тахлили.................................................37

Товар айланмаси тахлили......................................38-47

Савдо устамасининг тахлили...................................…48-54

Даромад тахлили..............................................55-59

Ишлаб чиқариш ва савдо харажатларининг тахлили................ 60-65

Соф фойданинг тахлили.........................................66-70

IV. **Хулоса ва таклифлар**........................................71-72

IV. **Адабиётлар шархи**. .........................................73-78

# I Кириш

Республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш, фуқаролар соғлиғини мустаҳкамлаш масаласи давлатимиз ижтимоий сиёсатида энг устивор йўналишлардан биридир.

Инсон омилига асосий устиворлик берилаётган юртимизда фуқаролар соғлиғини сақлаш масаласига, инсоннинг саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт тизимининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, инсон саломатлигига хавф соладиган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, юқумли ва вирусли инфекцияларга қарши кураш, бир сўз билан ифодалаганда, аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш жумладан фуқароларни сифатли дори-дармонлар билан таъминлаш кабиларга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай корхона ишининг муҳим мақсадларидан бири, сармоядан ва ресурслардан самарали фойдаланиш асосида фаолиятнинг молиявий натижаларини кўпайтиришдан иборатдир.

жумладан турли мулкчилик дорихоналарининг бозор муносабатларига ўтиш давридаги холати турли иқтисодий қийинчиликларга дуч келмоқда. Бундай камчиликларни олдини олиш, бартараф этиш учун дорихона фаолиятини олиб бориш керак. [4, 11]

Биз ўз олдимизга иқтисодий таҳлил фанини такомиллаштириш ва уни бойитишга хисса қўшиш хамда дорихоналар хўжалик фаолиятини дори таъминотини янада яхшилаш, уларнинг рентабеллигини ошлаш уларнинг оширишга сабабли омилларни янада такомиллаштириш мақсадида Тошкент вилояти "Дори-Дармон очиқ акциядорлик жамиятига қарашли Паркент шахар 9-сонли дорихонанинг иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилдик. Бунинг учун

- иқтисодий таҳлил хақидаги адабиёт маълумотларини ўрганиб, умумлаштирилади.
- дорихоналар ишини тўлиқ ўрганиш асосида рентанинг бошқарилишига бахо бериш, маълумотларини ўрганиб, шамлаб жадвал ва диаграмма холига келтирилади.
- статистик хисоботлар асосида

эришилган ютуқ ва камчиликлар сабаби аниқланди ва таклифлар берилди.

## Адабиётлар шарҳи

### 2.1. Бозор иқтисодиётининг асоси имонгли тахлил.

Ҳозирда бошқа соҳалар каби бозор иқтисодиётида ҳам катта ўзгаришлар, ривожланишга бўлган интилишлар кузатилмоқда. Бундан мақсад эса мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳатлар натижасини бошқа ривожланган давлатлар сафига киритиш кўзда тутилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун муҳим аҳамият касб этади. Бу ишларни аниқ ва равшан олиб бориш учун "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинган.

Ўзбекистонда ислоҳатлар бошидан давлат ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг қуриш йўлидан борди. Ислоҳатларни амалга оширишнинг оғир шароитида соғлиқни сақлаш соҳаси ҳар жиҳатдан қўллаб қувватланади. Халқаро жамғарма-

лар томонидан хам мамлакат бюджетидан хам молияналаётган кўплаб ижтимоий дастурлар муваффакиятли амалга оширилмокда. [1,2]

Уларнинг аммласа мамлакат ахолисини тиббий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш, тиббий ходимлар малакасини ошириш соғликни саклаш тизими тузилмасини такомиллаштиришга каратилган. [21]

Шунингдек ишлаб чикаришни ривожлантириш, техник воситалардан, иш кучидан унумли фойдаланиш, маблағ сарфлашда тегёрга эътибор бериш ва бошка муаммоларни мустакил хал килишни ўрганиш лозим [27]

Булар эса Ўзбекистон Республикаси Соғликни Саклаш вазирлиги дорихона муассасаларини давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги вазирлар махкамасининг 1994-йил 12 март 132-сонли карори асосида олиб борилди. Дорихоналарнинг давлат тасарруфидан чикарилиши, яъни хусусийлаштирилиши тадбиркорликнинг янада ривожланишига сабаб булди. [4,19]

Аммо бу ривожланишига даврида кисман кийинчиликлар кузатилди. Масалан: аксарият дорихоналарнинг эскилиги, ин-

вестициялардан фойдаланиш имконияти чекланганлиги, жихозларнинг замон талабига жавоб бермаслиги, фармацевтик ахборотнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги кабилар. [22]

Ахолини дори воситалари билан тўлиқ ва тез таъминлаш мақсадида дорихоналарни иқтисодлаштириш ишлари олиб борилди, айрим корхоналар тайёр дори воситалари сотишга мослаштирилди.

Иқтисодий ахборотлар билан ишлашнинг энг мухим ўрни тахлил қилишдир [20]

Корхонанинг - молиявий ахволини тахлил қилиш билан шуғулланаётган ходим корхонанинг бошқарув ва молиявий хисобот шаклларини тушунишни, хулосалар чиқариш ва тавсиялар беришни билиши керак.

Хозирда ишни тўғри ва самарали ташкил қилиш мақсадида иқтисодий тахлилнинг ўрни ошиб бормоқда. Иқтисодий тахлил ички ва ташқи тахлил турларига бўлинган. Ташқи тахлил:

- бошқарувнинг юқори органлари
- молия органлари
- банк ташкилотлари
- солиқ органлари

Ички тахлилнинг эса корхона ва бирлаш-

маларнинг ишчилари олиб бормоқдалар. Иқтисодий таҳлил ўзининг кўп қирралиги билан ажралиб туради [16, 17]

## 2.2. Молиявий натижа таҳлилининг мақсади ва вазифалари

Бозор муносабатларининг ривожланиб бориши корхоналарининг молиявий натижасини белгиловчи муҳим омил сифатида фойданинг ролини оширади. Чунки фойда корхоналарнинг келгуси равнақи, ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояланишни таъминловчи асосий манбаидир. Шунингдек давлат бюджети даромадининг аксарият қисми ҳам фойдадан тўланадиган солиқ ҳисобидан тўлдирилади. Шу туфайли ахолияни муҳимлиги ҳисобга олган ҳолда молия органлари, солиқ инспекцияси, аудитор ва ички хўжалик (ҳисобчи, иқтисодчи) мутахассислардан фойдани шакллантириш ва ишлатилишини мунтазам назорат қилиб туриш талаб этилади.

Бозор иқтисодиёти луғатида фойда - бу бухгалтерия тушунчасида даромаднинг кўпайганлигини англатади, деб таърифланади. Демак, олинган фойдани

таҳлил қилишда, даромаднинг кўпайган ёки камайганлиги, унинг ўзгариш сабаблари ва бунга таъсир этувчи омиллар ўрганилиши лозим.

Молиявий натижани таҳлил қилишда асосий вазифалар:

– фойда ҳажмининг ўзгаришига баҳо бериш;

– фойданинг кўпайган ёки камайганлиги-га маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан ва бошқа фаолиятлардан эришилган натижанинг таъсир этишини аниқлаш;

- фойданинг шаклланиши ва ишлатилишининг асосланганлигини текшириш;

– фойда ҳажмининг кўпайиш йўллари ва омилларини белгилаш ва ҳ.к.

Таҳлил мазмуни баланс фойда таркибини, маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан кўрилган молиявий натижа ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, сотиш билан боғлиқ бўлмаган даромад ва харажатлар рентабеллик кўрсаткичларини ҳисоб-

лаш, келгусида ишлаб чиқариш, сарф ва фойда хажмларининг корхона учун энг кўп манфаатли шаклини белгилаш йўлларини аниқлашни тақазо этади.

Тахлилни амалга оширишда асосий манба манба бўлиб 2-форма „Молиявий натижа ва унинг ишлатилиши хақидаги хисобот" маълумотлари хамда 15-„Журнал-ордер", 80-„Фойда ва зарар, 81„Фойданинг ишлатилиши", 82-Тақсимланмаган фойда хисобларидан фойдаланилади.

## 2.3. Корхонанинг мехнат салохияти мақсади вазифалари.

Мехнат - одамларнинг табиат ва жамият неъматларини ўз эхтиёжида мослаштириш мақсадида амалга оширишадиган онгли фаолият жараёнидир.

Мехнат қуролларидан фойдаланиш инсон билим ва ақлини такомиллашувга олиб келади.

Режали иқтисодиёт шароитида мехнат ресурси, мехнатнинг ўзи, иши кучи, мехнат унумдорлиги, мехнат самарадорлиги каби тушунчалар қўлланилар экан. Эндиликда жамиятнинг кўп сохаларида янгиланиш жараёни давом этмоқда. Кундалик хаётимизда янгича мазмундаги иқтисодиёт иборалар атамалар кириб келмоқда. Кундалик хаётимизда янгича мазмундаги иборалар, шулардан бири мехнат тушунчасидир. Мехнат салохияти нима деган саволга жавоб бериш учун энг

аввало, унинг амал қилиш соҳаси ва тур-
ларини аниқлаб олиш мақсадга муво-
фиқдир. Меҳнат салоҳиятини тушун-
часини бир киши меҳнат шамоаси
ва бутун жамият миқёсида аниқлаш
баҳолаш лозим. [21,22]

Меҳнат потенциали таркибини на-
турал ва қиймат жиҳатдан унинг
таркибига қуйидагилар киради:
олий маълумотли, ўрта махсус маъ-
лумотли, умумий ўрта маълумотли,
тўлиқсиз ўрта маълумотли, тўлиқ-
сиз ўрта маълумотли, ходимлар.
Ҳар бир гуруҳ ўз навбатида мута-
хассисларни бўйича ҳам туркумлана-
ди, чунки барча олий маълумотли хо-
димларга бир хил талаб қўйиб, улардан
бир хил самара қўйиб бўлмайди.
Масалан: агроном керак бўлган жойга
юқори маълумотли математика ўқув-
чисини ўтқазиб қўйсангиз, ўқитувчининг
юқори малакасидан хеч қандай наф йўқ.
Шу туфайли ҳар бир гуруҳнинг бата-

раётган ишига малакалари мос келишини аниқлаш лозим. [24,25]

Бундай холат хозирги бозор иқтисодиёти шароитида жамият учун ҳам, мулкдор учун хам мехнат қилувчи учун хам мухимдир. Хизматчи ишлаган жойда ўз малакасига мос келадиган вазифани бажаради ва вақт ўтиши билан малакали мутахассисга айланиб боради. Мулдор бундай ходимларни ишлатиб самарали ва сифатли кўрсаткичларга эришади. Тўлаган мехнат хаки бесамар кетмайди. Жамият учун бу холатни фойдаси шундаки, биринчидан мулкдорни мулкига мулк кўшилади, ишчи хизматчининг даромади кўпаяди. Улардан олинадиган солиқ микдори мос равишда ортади. Иккинчидан, жамиятда сифатли маҳсулот кўпаяди, фаровонлик яратилади

Шундай қилиб, мехнат потенциали хар бир гурухнинг маълум даражаси-

да яна гурухланиш мухим ахамиятга эга. Худди шундай холатда бошка гурухларга хам ёндашиш мумкин.

Мехнат унумдорлигини тез ва жадал суратларда ўсиши муомала харажатларини камайишига хамда савдо корхоналари шахобчасининг кўпайишига олиб келади.

2.4. Таҳлил усуллари.

Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, уларнинг ишлашини яхшилаш муҳим омил бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш корхоналарнинг ишлаб чиқариш молиявий меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Фойдаланилган ресурсларни аниқлаб корхоналарнинг келгусида ривожланиши уларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш учун зарур тавсияларни ишлаб чиқишга имкон беради. Халқ хўжалигининг бозор муносабатларига ўтказиш билан корхоналар хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг аҳамиятини янада ортади, чунки бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқаришга жорий этилмаган ресурсларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш энг долзарб муаммога айланади.

Таҳлил иборасм грекча „анализ" сўзи-

дан олинган бўлиб, бўлакларга бўлиш ёки ажратиш, таҳлил қилиш каби маъноларни англатади. Савдо корхоналари хўжалик фаолияти таҳлилининг предмети деб, хўжалик жараёнлари ва уларнинг натижаларини объектив ва субъектив омилларга боғлиқлигини керакли иқтисодий ахборотномаларда акс эттиришга айтилади. Иқтисодий таҳлил фанининг услуби деганимизда хўжалик жараёнларининг ҳолати ва ривожланишини диалектика услубига ёндош ҳолда ўрганишга айтилади. Иқтисодий таҳлил оилги деганимизда бу хўжалик шароитини такомиллаштириш учун зарур шароитлар ҳамда бу жараёнларнинг натижаларига таъсир этадиган сабаблар тушунилади.

Иқтисодий ҳаётнинг барча ҳодисалари бир-бири билан сабабий ва натижавий боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам иқтисодий таҳлилда корхона ва ташкилот ишининг натижаларига сабабий

таъсир кўрсатадиган сабабларни олдини олиш мақсадида ана шу боғликликни аниқлаб олиш лозим.

Корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолиятларини ўрганишда ва комплекс таҳлил қилишда бир қатор усуллардан фойдаланилади. Уларнинг асосийлари солиштириш, гуруҳлаш, кетма-кет ўрнига қўйиш, баланс боғликлиги, график усул корреляцион-регрессив таҳлил.

Солиштириш (қиёслаш) усули.

Иқтисодий таҳлилда асосий ҳисобланади хўжалик фаолиятини таҳлилда қиёслаш қуйидаги шаклларда қўлланилади. Режа топшириқлари билан, энг яхши кўрсаткичлари билан ўртача кўрсаткичлардир. Бу усулнинг асосий шарти солиштирилаётган кўрсаткичлар ўз моҳиятига ва структурасига кўра бир хилда бўлмоғи лозим.

Солиштириб топилган четланишлар ва уларнинг сабабларини аниқлаш учун кейинги таҳлилни қилиш лозим бўлади.

Ушбу таҳлил усули ёрдамида савдо корхоналарда мол айланиш режасининг бажарилишини таҳлиллаш, муомала харажатларини камайтириш ҳисобига рентабеллик даражасини оширишига эришиш мумкин бўлади.

Гуруҳлаш усули

Дорихоналарда олиб бориладиган таҳлилда гуруҳлаш усули кенг қўлланилади. Аммо, алоҳида олинган дорихоналарда бу усул чегараланган. Акциядорлик жамиятларда эса бу усулдан фойдаланганда бир неча кўрсаткичларга асосланган ҳолда олиб борилади.

- чакана ва улгуржи мол айланмаси
- савдо ва ишлаб чиқариш харажати
- савдо устамалари ва бошқалар

Гуруҳлаш усули мол айланмаси тезлигини, харажатлар даражасини ходимларнинг меҳнатга лаёқатлилигини, тайёр дориларни дорихона рецептурасидаги миқдорини, мол гамламалар тевёрини ва уларни гуруҳлаш бўйича тақсимлани-

шини ўрганади. [4,12]

Бундан келиб чиқадики, ушбу усул асосида биз муомила харакатларига турли иқтисодий ва ташқилий омилларнинг таъсирини аниқлашимиз мумкин бўлади.

Балансни боғланиш усули

Бу усул асосан бухгалтерия ва корхонанинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда кенг қўлланилади. Дорихона фаолиятида, товарий таҳлилда муҳим ўрин касб этади. Дорихоналарда товар ҳаракати ҳақидаги маълумот ҳам шу усулда тузилади. Шунингдек, чакана ва улгуржи савдо элементлари орасидаги муносабатларни ўрганишимиз мумкин.

Мол балансини аниқлаш формуласи:

$$O_1 + П = P + O_2 + B$$

$O_1$ - давр бошидаги моллар қолдиғи

П - молларнинг келиб тушиши

Р - молларнинг сотилиши

$O_2$ - давр охиридаги моллар қолдиғи

В - молларнинг турли хил сафдан чиқа-

ришиш.

График усули

Таҳлилда функционал боғлиқни геометрик кўринишида акс эттириш график усул ҳисобланади. Билинаётган кўрсаткичларга нисбатан айирмаларини белгилаш учун қўлланилади [8]

Корреляция усули

Бу усулдан фойдаланиш муомала харажатлари даражаси билан мол айланиш орасидаги, мол айланиш ҳажми билан мол захиралари орасидаги, умумий мол айланишнинг ўсиш сурати билан айрим товарларни сотиш орасидаги боғлиқни белгилаш имконини беради.

Шунингдек бу усул иқтисодий тадқиқотнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради [13]

## 2.5. Фойда ишлаб чиқаришнинг муҳим кўрсаткичи.

Корхона томонидан ишлаб чиқарилган товарлар сотилгач, у даромадга эга бўлади.

Корхона даромади 2 турга боғлиқ (Р) Биринчиси, товар ва хизматларнинг миқдори (а).
Иккинчиси, (товар) уларнинг бозор нархи (Д).
Корхонанинг даромади буларнинг ҳар иккаласига тўғри мутаносибликда бўлади.
Товар ва хизматлар миқдори (а) қанчалик кўп бўлса, шунчалик даромад кўп бўлади.
Аксинча товарлар оз бўлиб, улар нархи паст бўлса шунга қараб даромад ҳам оз бўлади. Даромадни аниқлаш товарлар миқдори уларнинг нархига кўпайтирилади. Бунда $Д = Q \cdot P$ ҳосил бўлади.

Бизнесда фойдадан ташқари рента ҳам бўлади, у ерда ресурс сифатида ишлатилган жойда юзага келади. Рента аслида ишлатишдан шаклланган фойданинг бир қисми бўлиб, уни ер эгаси олади.

Ер хаётий ресурс сифатида мулкдор-

лар томонидан эгаллаб олинади. Ерни иш-латиш учун эгасига униш хакини тўлаш зарур бўлади. Бу рентани юзага келган ман-баъи ер берадиган фойдадир.

Фойда (даромад), амортизация ажрат-мала, қимматли қоғозларни сотишдан туш-ган пул, мехнат жамоаси аъзоларининг, корхоналар, ташкилотлар фуқороларининг пай ва бошқа бадаллари шунингдек бошқа тушумлар корхона молиявий ресурслар-ни ташкил этувчи манбалардир.

Фойда бу капитал ва тадбиркорлик фао-лияти учун улар сохибига тегадиган пул мукофотидир.

Фойдани нима яратади? Фойда капитал ва тадбиркорлик фаолиятининг бирга-ликдаги махсулотдир. [22,23]

Фойда тадбиркорлик даромади деб тал-қин этилганда тадбиркорликнинг капи-тали ва унинг қобилияти келтирган даромад тушунилади.

Фойданинг ўзи 2 қисмдан иборат. Биринчи, четдан фойда бўлиб, тадбир-

корлик кобилияти махсулидир.
Шу сабабли у тадбиркорга албатта теги-
ши керак. Бу фойда ишлаб чиқариш хара-
жатлари таркибида бўлади, чунки бу мех-
нат хақини ташкил этади. Мехнат ҳақи
биринчидан мезёрдаги фойдаси тадбиркор-
га тегса, иккинчидан иш хақи бўлиб ёлла-
ниб ишловчиларга тегади, буларнинг хар
иккаласи сарф бўлганидан харажатлар-
га киритилади. Шу сабабли товарлар ха-
ражати тенг нархда сотилганда юкори
малакали ишчи ёки мутахасис иш хақиси
даражасида бўлиши керак, акс ҳолда тадбир-
корлик килгандан кўра ёлланиб ишлаган
макул бўлади.

Иккинчиси иктисодий фойда бўлиб, бу
даромаднинг харажатлардан ортиб колган
кисмига тенг бўлади. Иқтисодий фойдани
капитал яратганидан бу капитал соҳиб-
ларига ( икка) тегиш манбаидир. Капитал
соҳиблари якка ва улушчи пулдордан ибо-
рат. Якка пулдор индивидуал тадбиркор-
лик килганидан ўз

капитал тиладиган иқтисодий фойдани ўзи олади. Агар унинг бир қисми қарзга олинган бўлса, иқтисодий фойданинг бир қисми фоиз шаклда қарз берувчига тегади, бордики корхона капитали корпоратив характерда бўлса иқтисодий фойда кўпчиликдан иборат капитал соҳиблари акционерларга тегади.

Омад фойдаси ҳам бор. Бу иқтисодий фойданинг бир кўриниши, лекин бу икки хусусиятга эга.

Биринчидан, омад фойдаси фирмага боғлиқ бўлмаган ҳолда бозор нархларнинг кутилмаган ҳолда ўзгариши туфайли пайдо бўлади. Нархлар пасайгач зиён бўлиб кетади, демак, бу ўткинчи характерда бўлади.

Иккинчидан, омад фойдасини ҳамма фирмалар эмас балки келган фирмалар олади. Иқтисодий фойдани ($F_м$) аниқлаш учун ялпи даромаддан ($D_я$) ялпи харажатлар ($W_я$) чиқариб ташланади. Бунда $F_м = D_я - W_я$ ҳосил бўлади.

Агар кичик корхоналар даромади 320 млн сўм бўлса, харажати 285 млн. сўм бўлса, унинг фойдаси 45 млн сўмни ташкил этади. (320-285=45) Фойда корхона даромади таркибида бўлади.

Даромад биринчидан харажатларни қопласа, иккинчидан фойда келтиради. Фойданинг оз кўп бўлиши фақат даромадга эмас балки харажатга ҳам боғлиқдир. Иқтисодий фойда миқдори даромадга тўғри мутаносибликда, харажатга нисбатан эса тескари мутаносибликда бўлади.

Корхона фойдани кўп олиши учун бозор кўтарадиган товарларни кўплаб чиқариш, ҳамда уларни харажатини пасайтириб бориш керак бўлади. Ўртача харажатлар нархдан қанчалик кам бўлса, шунчалик фойда катта бўлади.

Фойдани кўпайтириш учун харажатларни минимумлаштириш керак ва бунга меҳнат унумдорлигини ошириш орқали эришилади.

## 2.6. Рентабеллик даражасига таъсир этувчи омиллар

Тадбиркорлик накадар фойда келтиришини икки хил йўл билан аниқланади. Биринчиси, фойданинг умумий миқдорини, яъни унинг массасини аниқлаш. Бунда олдин айтганимиздек даромаддан харажатлар чегириб ташланади, қолдиқ ялпи фойда бўлади. Бироқ бу корхонага тиккан фойда эмас, чунки унинг бир қисми солиқ тўлашга кетиши керак. Масалан, 2004 йил Ўзбекистонда фойданинг 20% фойда солиғи сифатида давлатга берилган. Ялпи фойдадан корхона банк кредити учун фоиз хам тўлайди. Шу икки чегирмадан сўнг қолган фойда соф фойда бўлиб корхонанинг ўзига тегади. Фойданинг хажми ёки абсолют миқдори корхонанинг бақувваталигини кўрсатади. Бу корхонанинг ишлаб чиқариш хажмига боглиқ бўлади, чунки йирик корхонада фойда миқдори кўп бўлади, чунки капиталини

ўзи катта. Кичик корхонада аксинча фойда оз бўлади. Фойдалик даражаси - бу фойда кўриш меъёри бўлиб, рентабеллик деб юритилади.

Рентабеллик тадбиркорлик фаолияти унга қилинган сарфга нисбатан қанадар фойда келтиришини бўлиб, унинг самарадорлигини билдиради.

Бу фойданинг нисбий кўрсаткичи бўлади, чунки бунинг мутлақ кўрсаткичи юқорида қайд этилган фойда миқдори ҳисобланади. Рентабеллик фойда миқдори нормаси (Fн) деб ҳам кўрсатилади. Бу фойданинг капитал миқдорига ёки жорий сарф харажатларга таққослаб аниқланади.

Рентабеллик - микроиқтисодий, яъни корхона миқёсидаги иқтисодий фаолиятнинг самарадорлигидир. Рентабеллик корхона эришган якуний молия натижаларининг ўзгинаси эмас, балки уларни қилинган сарф-харажат- қиёслаган ҳолда баҳоланишидир. Шу сабаб-

ли рентабеллик корхона фаолиятининг молиявий натижасини билишда қўлланиладиган асосий кўрсаткич ҳисобланадики, бу фойда олиб ишлатганлигини билдиради. Фойда ўрнига зарар кўрилган шойда рентабеллик бўлмайди. Бинобарин, корхона фаолияти рентабел ва норентабел бўлиши мумкин. Рентабеллик корхона даражасида харажатдан нима натижа олинганлигини билдиради. Харажатлар турлича бўлганлиги билан натижа ягона бўладики, бу корхонага тегкан фойдадан иборат. Сарфлар мазмунан ҳар хил бўлганидек, улар қандай натижа берганлигини билиш учун рентабелликнинг турлича кўрсаткичлари қўлланилади, улардан асосийлари 2 та ҳисобланади.

1. Ишлаб чиқариш рентабеллиги. Бунда корхона ихтиёридаги капиталнинг бир қисми бўлган асосий (Кас) ва айланма (Кай) капитал қиймати корхонага тегкан фойда (Fs) билан солиштириб кўрилади. Бунда ҳисоблаш формуласи:

$$R_n = \frac{Fs}{K_{ac} + K_{ай}} \cdot 100$$

2. Махсулот рентабеллиги. Бу корхонада у ёки бу махсулот турини чикариш корхона учун накадар фойдали эканлигини билдиради. Уни (Rm) аниклаш учун муайян махсулот сотишдан теккан соф фойда (Fs) шу махсулотни сотишдан келган тушум (Dm) билан киёсланади, яни

$$Rm = \frac{Fs}{Dm} \cdot 100$$

Бу кўрсаткич корхонанинг окилона танлови учун хизмат килади. Шунга караб корхона фойдани кўп олиш учун кандай турдаги махсулот ишлаб чикариш зарурлигини хал килади.

Рентабелликнинг ёрдамчи кўрсаткичлари жумласига харажат рентабеллиги, карз капиталининг рентабеллиги, асосий капитал рентабеллиги, айланма капитал рентабеллиги, инвестиция рентабеллиги киритилади. Фойдани максимумлаштириш рентабелликни ошириш

билдиради ва бунга қуйидаги йўллар билан эришилади.

1. Ишлаб чиқаришни реструктуризацияйлаш. Бунда бозор талаб қилган, яъни харидоргир товарларни ишлаб чиқариш юз беради. Шундай бўлганда товарлар тўхтовсиз ва яхши сотилиб, корхонага келган тушум ортади. Шу сабабли ишлаб чиқаришни модернизациялаб (янгилаб), бозорбоп товарлар билан эски товарларни алмаштириб бориш, мавжуд товарларни талабга жавоб берадиган даражада такомиллаштириб, унинг сифатини ошириш талаб қилинади.

2. Ресурсларни тежаб-тергаб ишлатиш. Буториш харажатларни камайтиришни билдиради. Бунга ресурсларни арзон нархда харид қилиш ва маҳсулот бирлиги кетадиган сарфларни камайтириш орқали эришилади. Ресурсларни тежаш учун меҳнат унумдорлиги мунтазам ошириб борилади.

3. Капитал таркибини такомиллаштириш. Бу гапни капитал таркибида иш-

лаб чиқаришга бевосита хизмат қилувчи капиталнинг, тез айланиб турувчи капиталнинг ҳиссасини оширишни, капитални тежамкор техник воситаларда моддийлашувини талаб қилади.

4. Меҳнат мотивациясини кучайтириш. Бу ишчи ва хизматчилар меҳнатини рағбатлантириш орқали уларнинг тежамкор бўлишини, меҳнат унумдорлигини оширишни, маҳсулот сифатини яхшилашга интилишини юзага келтиради.

Рентабеллик бошқариб борилади, бунинг учун рентабелликни оширишга хизмат қилувчи омиллар ҳаракатга келтирилади, рентабелликнинг пасайиб кетишига йўл бермаслик чоралари кўрилади. Шу мақсадда рентабеллик мониторинги олиб борилади. Яъни у таҳлил этилади ва кузатилиб борилади.

Юқорида айтилган усуллар ёрдамида ишлаб чиқариш рентабеллиги ҳисоблаб чиқилади. Корхона фойдани кўп олиш учун нимани ишлаб чиқариш рентабелли

бўлишни хисоблаб чиқилади.

Бунинг учун муайян турдаги маҳсулот унга келган харажатларга нисбатан қанча фойда келтиришини аниқланади.

Турли маҳсулотлар рентабеллигини таққослаб, фойда тенишдаги иқтисодий танловга берилади, яъни корхона нимани ишлаб чиқариш фойда берса, шунга кўп урады. Масалан, тикувчилик фирмаси 3 хил маҳсулот чиқара олади, булар плащ, пальто ва куртка. Битта плащ харажати 20 минг сўм уни сотишдан келган фойда 5 минг сўм, пальто харажати 50 минг сўм, берган фойда 10 минг сўм, ниҳоят куртка чиқариш 30 минг сўм, ундан келган фойда 9 минг сўм. Юзаки қараганда пальто тикиш маъқул бўлади, чунки энг кўп фойда олинади $(10>9>5)$. Харажатлар билан таққосласак куртка тикиш қулайлигини кўрамиз. Куртка рентабеллиги $(\frac{9}{30}\cdot 100=30)$ 30% плащники 25% $(\frac{5}{20}\cdot 100)=25$ ниҳоят пальтоошки 20% $(\frac{10}{50}\cdot 100=20)$

## III. Амалий қисм

### 3.1. Тошкент вилояти "Дори-Дармон" очиқ акционерлик жамиятининг Паркент шаҳар 9-сонли дорихонасининг иш унумдорлиги таҳлили.

Паркент шаҳар 9-сонли дорихонаси фармацевтик фаолиятини ўрганилди ва бухгалтерия ҳисобот маълумотлари асосида таҳлил қилинди.

Беморларга ва харидорларга ҳамда дорихона орқали дори воситалари билан таъминланадиган даволаш-профилактика муассасаларига хизмат кўрсатишни ҳар томонлама талаб даражасига кўтаришга ва бугунги кундаги бутун жаҳон иқтисодий инқирозини таъсирини камайтириш мақсадида дорихона ходимлари томонидан бир мунча ижобий ишлар қилинмоқда.

Бугунги кунда Паркент шаҳар 9-сонли дорихонасида 4 та ходим фаолият кўрсатиб келмоқда, охирги 3 йил давомида ходимлар сони ўзгармаган.

2011 йилда 1 та мутахассиснинг ўртача бир йиллик савдо хажми 24 841,0 минг сўмни ташкил этган. 2012 йилда битта мутахассисга тўғри келган ўртача савдо 32 008,6 минг сўмга, 2013 йилда 43 159,8 минг сўмга тўғри келган, яъни (даромад) дорихонада фаолият кўрсатаётган битта ходимнинг иш унумдорлиги ошган.

Хулоса қилиб айтганда дорихонада мавжуд ходимларнинг иш унумдорлигини ошириш, ходимларни иш юритиш учун шароит яратиб бериш, ишларни компьютерлаштириш асосида амалга оширилган.

Дорихонада товар айланмасининг йилдан-йилга ортиши, албатта ходимларнинг маошига ҳам ижобий таъсир кўрсатган.

минг сум

| № т/р | Ойлар | 2011 йил | | | | | 2012 йил | | | | | 2013 йил | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Товар айлан-маси | Шу жумладан | | | | Товар айлан-маси | Шу жумладан | | | | Твар айлан маси | Шу жумладан | | | |
| | | | Накд пул тушуми | Улгур жи савдо | Терминал | Имтиёзли рецептлар | | Накд пул тушуми | Улгуржи савдо | Терминал | Имтиёзли рецептлар буй | | Накд пул тушуми | Улгур жи | Терминал | Имти-ёзли рецепт-лар |
| 1 | Январь | 8 350,0 | 2068,1 | 1910,5 | 3556,0 | 750,0 | 11455,2 | 2280,0 | 3 250,0 | 4483,0 | 796,0 | 14 985,0 | 2 525,0 | 6920,0 | 4130,0 | 885,0 |
| 2 | Февраль | 8 415,0 | 2039,4 | 2009,2 | 3129,0 | 745,0 | 11420,0 | 2995,0 | 3506,5 | 4510,3 | 786,5 | 14 865,5 | 2 518,3 | 6935,.0 | 4165,8 | 875,6 |
| 3 | Март | 9 112,0 | 2665,4 | 2165,7 | 3368,0 | 880,0 | 10042,6 | 2690,5 | 3476,9 | 4523,6 | 775,9 | 14 687,2 | 2681,5 | 7156,.9 | 4187,9 | 892,3 |
| 4 | Апрель | 8 634,0 | 2115,5 | 2045,8 | 3415,0 | 735,0 | 11204,5 | 2486,5 | 3256,4 | 4395,8 | 734,2 | 14 996,5 | 2624,5 | 7025,.2 | 4095,1 | 811,5 |
| 5 | Май | 7 965,0 | 1805,2 | 1946,2 | 3398,0 | 720,0 | 10995,0 | 1968,7 | 3105,6 | 4465,0 | 725,6 | 13 879,5 | 2586,2 | 6954,5 | 4032,4 | 835,6 |
| 6 | Июнь | 7 746,2 | 1735,4 | 1943,1 | 3268,0 | 740,0 | 9425,6 | 2086,3 | 3005,6 | 4269,5 | 698,5 | 13 665,4 | 2465,8 | 6896,5 | 3965,7 | 798,5 |
| 7 | Июль | 7 911,0 | 1854,6 | 1998,9 | 3194,0 | 850,0 | 10635,0 | 2072,4 | 2875,6 | 4242,1 | 699,7 | 13 986,5 | 2472,5 | 6435,1 | 3998,7 | 765,5 |
| 8 | Август | 7 895,4 | 1905,6 | 1965,4 | 3489,0 | 820,0 | 10105,6 | 1993,5 | 2893,5 | 4172,5 | 682,3 | 13 698,1 | 2442,5 | 6736,4 | 3865,4 | 795,6 |
| 9 | Сентябрь | 8 143,6 | 2004,9 | 2129,4 | 3532,0 | 710,0 | 10209,8 | 1953,1 | 2987,4 | 4195,6 | 785,6 | 13 895,2 | 2365,8 | 6853,5 | 4023,6 | 769,9 |
| 10 | Октябрь | 8 231,8 | 2105,8 | 2065,4 | 3413,0 | 734,0 | 10350,4 | 2115,6 | 3195,0 | 4895,6 | 674,5 | 14 675,6 | 2415,6 | 7012,5 | 4298,2 | 779,8 |
| 11 | Ноябрь | 8 291,7 | 2200,6 | 2159,7 | 3540,0 | 890,0 | 10 590,3 | 2465,4 | 3625,6 | 4582,5 | 724,5 | 15 239,8 | 2567,5 | 7023,5 | 4365,9 | 785,6 |
